Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 ноябрь сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 226 (2788)

# ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

**3 ноябрь куни Урганчда “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.**

**Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**



Қутлуғ кунларимизнинг шукуҳидан далолат бўлган ушбу байрамга тайёргарлик жараёнининг ўзи ҳам халқимиз табиатига хос байрамона тарзда олиб борилди. Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими эса бу байрамнинг энг юқори чўққиси бўлди. Шодиёнага ташриф буюрган одамларнинг кайфияти, улар чеҳрасида намоён бўлиб турган кўтаринки руҳдан бугунги кунимизга шукроналик туйғуларини сезиш қийин эмас.

Бундан қарийб уч минг йил илгари яратилган “Авесто” яхшилик ва ёмонлик, раҳмдиллик ва ёвузлик, билим ва жаҳолатнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб берган буюк китобдир. У халқимиз илдизлари, давлатчилигимиз асослари қадим тарихга бориб тақалишидан, аждодларимизнинг юксак маънавиятидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат ҳисобланади.

“Авесто” — “Ҳаёт йўриқномаси”, деган маънони беради. Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар давомида бу китоб инсон ҳаёт тарзининг ўзига хос йўриқномаси бўлиб келган. У кишиларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка, илм олишга чорлаган, ёвуз кучларга, жаҳолат ва ёмонликка қарши курашишга даъват этган. Бу китобни башарият тарихида жуда катта ўрин тутган энг қадимий ёзма ёдгорликлар қаторида кўрсатиш мумкин. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий-фалсафий қарашлари, давлатчилик асосларини бир тизимга солиш нуқтаи назаридан олиб қараганда “Авесто” қиёси йўқ асардир.

“Авесто” инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутувчи китоблардан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНЕСКО томонидан ушбу китоб яратилганининг 2700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилингани бугунги кунда ҳам “Авесто” башарият маънавий-маданий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолаётганидан далолат беради.

“Авесто”да айтилган кўпгина фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти ҳозир ҳам беқиёсдир. Масалан, уй қур, буғдой эк, юртга барака киради, дейилади ушбу китобда. Шунингдек, меҳнат билан ҳалол кун кўриш, жамиятнинг асоси саналмиш оиланинг муқаддаслиги билан боғлиқ тушунчалар китобда батафсил асослаб берилган.

“Авесто” неча-неча асрлик бўҳронлардан ўтиб бугунги кунимизгача етиб келди. Унда баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Президентимиз айтганидек, шу маънода Урганчдаги тантаналар фақат Ўзбекистон халқининг эмас, башарият мулкига айланиб кетган “Авесто” китобини минг йиллар давомида авайлаб-асраган, ўқиб-ўрганган, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни мағрибу машриққа ташвиқ этиб келаётган барча халқларнинг ҳам байрамидир.

Сўнгги йилларда олимларимиз, тадқиқотчиларимиз “Авесто”ни, ундаги бебаҳо фикр-мулоҳазаларни ўрганиш борасида самарали илмий изланишлар олиб борди. Бу изланишларнинг натижаси ўлароқ, “Авесто”нинг таржимаси амалга оширилди, мақолалар, монографиялар ёзилди. Уларда “Авесто”нинг жаҳон цивилизацияси ва умумбашарий маънавий тараққиётга кўрсатган улкан таъсири, мазкур бебаҳо ёзма ёдгорликнинг фалсафий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-тарихий талқинига оид долзарб муаммолар ҳақидаги янги фикр ва мулоҳазалар ўз ифодасини топди.

Олиб борилган тадқиқотлар мазкур китоб айнан ҳозирги Хоразм заминида яратилгани ва ягона тизимга келтирилганини кўрсатиб берди. Шу боис “Авесто”нинг 2700 йиллик тантаналари ўтказиладиган жой сифатида Хоразм заминининг танланганини табиийдир.

Ушбу шодиёналарга тайёргарлик жараёнида Урганчда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ерда “Авесто” ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Мажмуа Шовот каналининг қирғоғида бунёд этилган бўлиб, 20 гектардан зиёд майдонни эгаллайди. Мажмуанинг асосий марказида меъморлик композицияси бўй чўзиб турибди. Унинг баландлиги 18 метрни ташкил этади. “Авесто” китобини акс эттирган оқ мармардан ишланган ёдгорлик композициянинг таркибий қисмидир.

Урганч шаҳрининг маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Йўллар, кўприклар қурилди, таъмирланди. Шовот канали қирғоғидаги кишининг ҳавасини келтирувчи хиёбон эса халқнинг кўнгил очиб, мириқиб дам оладиган масканига айланди.

“Авесто” ёдгорлик мажмуининг лойиҳасини хоразмлик архитектор Полвонназир Салаев ишлаган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа билан танишар экан, бу ерда бунёд этилган ёдгорлик халқимизга буюк тарихини эслатиб туришга хизмат қилса, унинг атрофларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари юртимиздаги тинч ҳаётдан, халқимизнинг аждодлар ўгитига садоқатидан далолат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов мажмуа билан танишиш жараёнида хоразмлик бир гуруҳ ёшуллилар билан суҳбатлашди. Оқсоқоллар бугунги кунда нафақат хонадонларимизда тўй-ҳашамлар бўлиб ўтаётгани, балки шундай катта тантаналар уюштирилаётгани, аввало, давлатимиз раҳбарининг одил ва тўғри сиёсати натижаси эканини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## Президент Ислом Каримовнинг «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, кўҳна Хоразм диёрида, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сиз, азизлар билан кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзининг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, ўлмас қадриятлари, меъморий обидалари билан бутун оламда шуҳрат қозонган Хоразм замини кўплаб буюк воқеалар, қутлуғ байрам ва шодиёналарнинг гувоҳи бўлган.

Бугун биз барчамиз иштирок этаётган ушбу тантанали маросим ҳам қадимий Хоразм тарихи, Ватанимиз тарихи шонли саҳифаларга нечоғли бой эканидан яна бир бор далолат беради.

Ҳурматли дўстлар!

“Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб аталган бу муаззам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мумтоз асарнинг аҳамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Аввало, қадим-қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл-заковати ва қалб қўри билан яратилган, ўн икки минг терига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам.

Ушбу нодир китоб айни замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган.

Шунинг учун ҳам, юнон босқини бўладими, араб истилоси бўладими — бу юртга ким-ки қилич кўтариб келмасин, биринчи галда мана шу нодир китобни йўқ қилишга, шу йўл билан халқни ўз тарихи ва хотирасидан жудо этиб, унинг иродасини синдиришга урингани бежиз эмас.

Бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский ўттиз икки китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нусхасини Юнонистонга юбориб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчиртириб олгани, қолган қисмларини эса ёндириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

Айтиш мумкинки, шу тариқа “Авесто”да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасаввурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Ғарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Шу маънода, бугунги маросим, бугунги тантана фақат Ўзбекистон халқининг эмас, башарият мулкига айланиб кетган “Авесто” китобини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, ўқиб-ўрганиб, унинг олижаноб ғояларига амал қилиб, уларни тарғибу ташвиқ этиб келаётган барча халқларнинг ҳам байрамидир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Бу дунёда одам зоти бор экан, ҳеч шубҳасиз, у ўз аждодларининг олис кечмиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг қандай ҳис-туйғулар билан яшаганига қизиқиши, бу ҳақда тасаввурга эга бўлишга интилиши табиий, албатта.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз “Авесто” китобини бугунги кун учун ҳам ниҳоятда қимматли бўлган ана шундай нодир маълумотлар манбаи, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Айниқса, бу китоб аждодларимизнинг табиатга, ер у сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатини, ота-она ва фарзандга меҳр-оқибатини, уларнинг муқаддас тушунчаларини, ўз ерини кимлардан, қандай хавфу хатарлардан ҳимоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини — барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир.

“Авесто” билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир карра шунга иқрор бўламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиради.

Бу ҳақда гапирганда, мен, аввало, “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мухтасар қилиб айтганда, агар инсоннинг мақсади, фикри эзгу бўлса, сўзи самимий ва ҳаққоний бўлса, ҳаракат ва интилишлари изчил ва қатъий бўлса, ҳар бир ишининг натижаси хайрли бўлиши муқаррар, дея талқин қилинади “Авесто”да.

Ҳақиқатан ҳам, бу чуқур маъноли, ҳаётий сўзларнинг мазмунига яна ва яна бир бор эътибор берсак, аждодларимизнинг минг йиллар олдин айтган мана шундай ўгитлари бугунги кунда ҳам нақадар долзарб ва таъсирчан эканини яққол англаш мумкин.

“Авесто” китобида мужассам топган ғоя ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгалиги ва ўзининг абадийлиги билан, бу асарда, аввало, табиатга муносабат, табиатга ҳурмат туйғуси, борлиқ оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф-муҳитни сақлаш ва асраш одамзотнинг энг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилгани билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради.

Шундай олис даврларда ҳам аждодларимиз ўз яқинлари, оиласига меҳрибонлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлиб, бошига тушган синов ва ҳаёт бўронларини биргаликда енгиш каби фазилатларни улуғлаб, уларга амал қилиб яшаганидан таъсирланади киши.

Ҳурматли ватандошлар!

“Авесто”дай мумтоз асарнинг айнан Хоразмда, бизлар бугун тўпланиб турган мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуқтаи назардан ҳам, маънавий нуқтаи назардан ҳам, ҳаётий нуқтаи назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаки, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, халқимиз муқаддас деб биладиган, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда анъанага айланиб қолган, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, ҳозир ҳам турмушимизда ҳукм сураётган урф-одатларнинг маъно-мазмунига чуқур эътибор берсак, уларнинг “Авесто”да акс эттан тушунча ва қадриятлар билан бениҳоя уйғунлигининг гувоҳи бўлишимиз муқаррар.

Бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин.

Хоразм воҳасининг мураккаб табиати, қишининг изғирини, ёзининг жазирама иссиғи, қаттиқ шамоллари, оғир тупроқ шароити барчамизга яхши маълум.

Мана шундай синовларга бардош бериб, шу заминнинг ҳар бир қаричини ўзига азиз билиб, шу юртни гуллатиб-яшнатаётган фидойи инсонларнинг меҳнатига қойил қолади киши.

(Давоми 2-бетда).

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 ноябрь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфелдни қабул қилди.

Учрашувда минтақадаги ҳарбий-сиёсий ҳолат, хусусан, Афғонистондаги вазият, у ерда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Олий Мажлисда*

# ОСОРИ-АТИҚАЛАР — ЮРТ БОЙЛИГИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссиянинг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида бугунги кунда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.**

Комиссия раиси Неъматилла Иброҳимов кун тартибига қўйилган масалалар хусусида тўхталиб, ташкилий ишлар бўйича маълумот бераркан, комиссия таркибида ўзгаришлар бўлганини таъкидлади.

— Ўзбек халқининг ноёб бойлиги ҳисобланган ҳужжатлар, маълум даврларда олиб кетилган буюмлар, ашёларни юртимизга қайтариш бўйича комиссиямиз томонидан катта ишлар амалга ошириляпти, — деди Н. Иброҳимов. — Жумладан, Истамбулдан ҳазрат Алишер Навоийнинг асари олиб келиниб, Адабиёт музейига топширилди. Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳали илм аҳлига номаълум бўлган «Китаб ут Тажнис Вал-Мазид» асари юртимизга келтирилди. Бугунги кунда бу топилма устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, комиссия аъзолари Москва, Санкт-Петербург, Туркия, Миср, Олмониядаги архив ҳужжатларини излаш, қидириб топиш ишларини ҳам поёнига етказмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг бошлиғи, комиссия котиби Пўлат Неъматов шу йилнинг ўтган даврида бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлис Кенгаши томонидан комиссия Низоми тасдиқланиши муносабати билан аъзоларнинг вазифалари хусусида тўхталди. Ўзбекистон телевидениеси қошида «Хотиралар хазинаси» номли кўрсатув иш олиб бораётгани, «Матбуот гуруҳи» тузилгани таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси «Олтин мерос» жамғармаси раиси, комиссия аъзоси Муҳаммад Али Америка Қўшма Штатлари университетларида сақланаётган форсий, туркий, арабий ёзувдаги қўлёзмалар хусусида маълумот берди.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМАРҚАНДНИНГ ШУКУҲЛИ КУНИ

**Самарқанд шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилган ва қадимий шаҳарга биринчи рақамли «Амир Темур» ордени топширилган — 18 октябрь беш йилдирки, «Самарқанд куни» сифатида нишонланади. Бу йил эса шаҳардаги ободонлаштириш ишлари, вилоят далаларида қишлоқ хўжалик юмушлари авжида эканлигини ҳисобга олиб, тантана бироз кечиктирилганди.**

Кечаги якшанбада эса самарқандликлар яна бир бор шаҳар кунини нишонлашди. Эрта тонгданоқ вилоят ва шаҳар жамоатчилиги вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, диний идоралар вакиллари, фидокорона меҳнатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган инсонлар, кўҳна шаҳарнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий равнақига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фахрийлар Бибихоним масжидини зиёрат қилишди. Тантаналар муносабати билан бу ерда дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Ҳали қуёш нурлари Регистон пештоқидаги заррин кошинларни ёритишга улгурмай, соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Сўнг вилоят Кардиология марказига вилоят ҳокимлиги томонидан замонавий тиббиёт аппаратуралари ва жиҳозлари топширилди.

Байрам муносабати билан Самарқанд шаҳридаги меҳрибонлик уйларида, Боғишамол, Темирйўл ва Сиёб туманлари ҳомийлигидаги мактаблар ҳамда болалар боғчаларида хайрия тадбирларининг ўтказилганлиги хўп савоб иш бўлди. Темирйўл туманидаги шу кунги халқ сайлида шаҳарликлар ва кўплаб меҳмонлар иштирок этишди. А.Икромов номидаги давлат музейи қўриқхонасида шаҳар кунига бағишлаб очилган экспозиция байрам иштирокчилари диққат-эътиборида бўлди.

Тантаналар ёшларнинг «Самарқандим — она шаҳрим, фахрим менинг» мавзуидаги дилкаш гурунгга уланиб кетди.

**А.САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БИРИНЧИ МАНЗАРА

«Авесто»нинг 2700 йиллигига атаб Урганчда барпо қилинган мемориал боғнинг уч жиҳати кўрган кишининг диққатини тортмасдан қолмайди. Бирипчиси — унинг кенглиги, орасталиги ва кафтдек текислиги. Иккинчиси — ундан кўп узоқ бўлмаган Жалолиддин Мангуберди зиёратгоҳи ва Шовот канали билан уйғунлашиб кетганлиги. Улар гўё олис тарихнинг икки парчасидай, икки унутилмас саҳифасидай, мудом ўтмишимизни эслатиб туради, руҳан ўша йилларга, даврларга сайр қилгандай бўлади одам...

# «ЎТМИШИНИ АРДОҚЛАГАН ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ»

## ёхуд «Авесто» мемориал боғининг очилиш тантаналарида кузатганларим

Учинчиси ва энг муҳими — «Авесто» китоби шаънига ўрнатилган рамзий ёдгорлик. Рамзий ёдгорликнинг энг афзал жиҳати унинг шу пайтгача мавжуд бўлган ёдгорликларни такрорламаслигида. Яна бир хусусияти эса «Авесто» даври руҳини уйғота олган. Уни аввал ўзимча «мангу тафаккур тимсоли»га ўхшатдим. «Абадийлик ва чексизлик» бўлса керак, деб ҳам ўйладим. Ердан кўра кўпроқ фазони эслатди менга... Хаёл чексиз-да, ўз вақтида тизгинламасангиз кетаверади. Шунда ана шу асар муаллифини — меъморни изладим. Омадни қаранг, меъмор ҳам мендан уч ўриндиқ нарида ўтирган — Полвонназир Салаев экан. Унинг айтишича, тўрт устун — тўрт унсур. Унинг бири — ер, иккинчиси — сув, учинчиси — ҳаво, тўртинчиси эса — олов. Тириклик, яъни чархи дуннинг тўрт асосий воситаси рамзи. Улар ер шари — коинотни восита ўлароқ суяб тургандай. Ва яна «Авесто» даврининг рамзи — оташкада. Ёдгорликнинг қоқ марказида эса «Авесто»нинг очиқ саҳифалари. Ҳа, уни ҳали авлодларимиз, бутун жаҳон авлодлари ўқишади, ўрганишади... Улар бирикиб яхлит ва тугал бир асарни ташкил этган. У киши руҳига аждодларимизнинг узоқ-узоқлардан элас-элас чалинаётган қўшиқларини олиб киргандай бўлади. Бу ёдгорлик асрларни асрларга, даврларни даврларга боғловчи улкан занжирнинг бир ҳалқаси, ўтмиш ва келажакни туташтириб турадиган мўъжаз восита гўё...

(Давоми 2-бетда).

# ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшуллилар тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, халқимизнинг бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлгани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Ён-атрофимиздаги нотинчлик халқимизни тинч ҳаётдан, яратувчанлик кайфиятидан айро этолмаслигини Урганчдаги улкан тантаналар яна бир бор намоён этди. Шодиёнага тўпланганлар юзидаги хуррамлик, чеҳраларидаги ёруғ кунлар бардавомлигига ишонч элимиз ўзининг бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда яхши ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт топаётганини кўрсатиб турибди.

Биз маросимга ташриф буюрганларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

**Вера ПАК — Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги 20-сон "Меҳрибонлик уйи" директори:**

— Бугунги ажойиб байрамга мен қалбимда мамнунлик билан ташриф буюрдим. Президентимиз Ислом Каримовнинг Хоразм элига ташриф буюриб, тантаналарда бевосита иштирок этаётгани бизнинг ўз куч-қудратимизга ишончимиздан, осойишталигимиз барқарорлигидан нишонадир. Урганчда барпо этилган ажойиб ёдгорлик мажмуи эса, аввало, халқимизга, инсонларга хизмат қилади.

Бугунги байрамни мамлакатимиздаги барча миллатлар бирдек тантана қилмоқда. Албатта, бу давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсатнинг натижасидир. Юртимизда байрамлар бир-бирига уланиб кетмоқда. Вазиятдан фойдаланиб, Мустақилликнинг 10 йиллик байрами арафасида менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан мукофотлагани учун Президентимизга миннатдорлик билдирмоқчиман.

**Азимбой САЪДУЛЛАЕВ — академик:**

— Бутун башариятнинг беқиёс маънавий мулки бўлган "Авесто"ни ўрганиш борасида юртимизда улкан ишлар қилинаётгани, бунга шахсан Президентимизнинг ўзлари катта эътибор бераётгани барча қатори биз олимларнинг ҳам кўнглини шод этмоқда. Юртбошимизнинг илм-фан тараққиётига эътиборини фақат қадим меросимизни ўрганишгагина эмас, замонавий фанларни ривожлантириш жабҳасида ҳам чуқур ҳис қилиб турибмиз. "Авесто"нинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бугунги тантаналар маданий-маърифий, маънавий камолотимиз сари ташланган қадамларимизнинг узвий бир қисми ҳисобланади. "Авесто"дай ноёб китобни ўқиб-ўрганиш халқимизнинг бой тарихи, давлатчилик асослари, урф-одатлари, қадриятларини англашда жуда қўл келади.

**Собиржон МАҲМУДОВ — Хива шаҳар "Сангар" фуқаролар йиғини раиси:**

— Урганчда ўтаётган байрам тантаналари юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сураётганини кўрсатиб турибди. Халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик, тинч ҳаёт йўлидан оғишмай бораверади. Чунки бизнинг тарихий илдизларимиз бақувват, элимизнинг ўз осойишталигини сақлашга бўлган матонати мустаҳкам.

Бундай шукроналик сўзларини тантана иштирокчиларининг ҳар биридан, қолаверса, барча юртдошларимиздан эшитиш мумкин. Бинобарин, тинчлик, осойишталик мавжуд бўлган юртгагина тўй-томоша ярашади, кўнгилга сиғади. "Авесто" байрами, унда қатнашган ватандошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари билдирган қалб сўзлари, эътирофлари буни яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Тантанали маросимдан сўнг театрлаштирилган байрам томошалари ўтказилди. Санъаткорлар "Авесто"нинг тарихимизда тутган ўрни ҳақидаги, ундаги эзгу амалларни ифодаловчи лавҳалар намойиш этдилар.

Ҳақиқатан ҳам, бундан минг йиллар илгари "Авесто"-да баён қилинган эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили бугунги кунда ҳам халқимизнинг эзгу мақсадларига мос келади.

**Анвар КАРИМОВ, Темур ШАМАКОВ, ЎзА мухбирлари.**

## Президент Ислом Каримовнинг «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳақиқатда ҳам, мана шундай шароитда нафақат мўл ҳосил етиштириб, балки деҳқончилик маданиятини ҳам юксак даражага кўтариб келаётган деҳқонларни ҳақиқий қаҳрамонлар десак, бундай баҳо ортиқча бўлмас.

Лекин мана шу тупроқда мураккаб табиий шароит қийинчиликларига чидаб, уларни енгиб яшайдиган инсонларга дунёнинг энг гўзал ўлкаларини мақтаб, Хоразмни ташлаб, ўша жойларга бориб яшайсанми, деб сўраса, ишончим комилки, уларнинг барчаси хоразмча қилиб "йўқ, бармийман", дейди.

Ва ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот билан, алдов-сулдов билан уларни бу фикридан қайтариб бўлмайди.

Мана сизларга ўз юртини севиш, ўз юртини ардоқлаш, ўз юртига садоқат билан яшаш.

Шунинг учун ҳам Хоразм аҳлининг юрак-юрагига сингиб кетган "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғича кўринмас", деган халқ қўшиғи мана шу садоқат туйғусининг ҳаққоний ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Агар биз Хоразмнинг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик сингари ўлмас қадриятларнинг илдизи бевосита "Авесто" заминидан қувват олишини кўрамиз.

Ахир, азиз дўстлар, ўзингиз айтинг, ёвга қарши мардона жанг қилиб, қўлида байроқ билан жон берган Нажмиддин Кубро шу юртнинг фарзанди эмасмиди?

Паҳлавонлар пири деб шуҳрат қозонган, кураш майдонларида кураги асло ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд ҳам мана шу замин фарзанди эмасмиди?

Дунёнинг қарийб ярмини эгаллаган мудҳиш Чингизхон лашкарига қарши ўн бир йил давомида муттасил қаҳрамонларча курашган Жалолиддин Мангуберди шу замин ўғлони эмасмиди?

Биз Хоразм элининг мана шундай буюк сиймолари ҳақида гапирар эканмиз, ўзимизга бир савол беришимиз табиий. Жалолиддин Мангуберди жанг майдонида ёлғизмиди?

Агар у ёлғиз ботир бўлганида, душманга қарши кўксини қалқон қилиб қанча курашмасин, Чингизхондай даҳшатли ёвни енгиши мумкинмиди?

Йўқ, у ёлғиз эмас эди, фақаттина минг-минглаб мангубердилар қаторида саркарда Жалолиддин бўлиб майдонга чиқиши мумкин эди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ботирларни шу ерда яшаётган одамларнинг ўз юртига оташин меҳри, букилмас иродаси, мустаҳкам иймон-эътиқоди камол топтириши, бир сўз билан айтганда, бундай қаҳрамонларни фақат ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган халқ тарбиялаши, вояга етказиши мумкин.

Ва бундай халқни ҳеч ким, ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди, бундай халқ ҳеч кимга бош эгмайди ва ўз буюк мақсадларига албатта етади. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Азиз ҳамюртлар!

Бугун "Авесто" китобида мужассам этилган, бизга қутлуғ мерос бўлиб келаётган мана шу ер, мана шу табиат хусусиятлари ва хосиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, одамзот ҳаётининг узвий қисмини ташкил этадиган маданият ва санъат хусусида гапирмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгилайдиган, унинг бетакрор хусусиятларини ёрқин ифода этадиган маданият ва санъатда халқнинг тарихи ва ўлмас руҳи намоён бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам замирида асрлар қаъридан келаётган "Авесто" оҳанглари мужассам бўлган Хоразм элининг санъати бутун дунёда шуҳрат қозонган.

Узоққа бормасдан, Хоразмнинг машҳур "Лазги"сини олайлик. Бу ҳаётбахш қўшиқни эшитган одам жойида тинч ўтиролмайди, албатта беихтиёр ўрнидан туриб ўйинга тушиб кетади.

Лекин "Лазги"ни бошқа бирон-бир киши Хоразмнинг йигит-қизлари, ҳатто кекса чоллари, ёшуллиларига ўхшаб мана шундай маҳорат билан ижро қилиши мумкинми?

Ишонч билан айта оламанки, асло, йўқ.

Сизлар бир-бирингизга "Лазги"га ўйнаб баринг", деб бежиз айтмайсиз, чунки яхши биласизларки, уни ҳеч ким сизлардай ҳаммани лол қолдириб, боплаб ижро этолмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун маънавий ҳаётимиздаги ушбу улуғ санани узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар иштирокида, халқаро миқёсда нишонлар эканмиз, биз тарихимизни, унинг ёрқин саҳифаси бўлмиш "Авесто"ни қандайдир кўз-кўз қилиш ниятидан йироқмиз.

Биз учун "Авесто" китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, нафақат миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадрлидир.

Бу бетакрор асарнинг биз учун аҳамияти — аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун янги ҳаёт, янги жамият қуриш ва буюк келажак сари интилиб яшаётган эканмиз, мана шундай манбалар ўзлигимизни англашда, буюк тарихимиздан маънавий озиқ олиб, ғурур-ифтихор билан яшашимизда, эртанги кунга катта ишонч билан қарашга мустаҳкам замин яратади, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугун мен мана шу минбардан туриб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, кўнглимдаги бир гапни айтмоқчиман: биз мана шундай улуғ фазилатларга эга бўлган халқнинг фарзандлари эканимиз учун Яратганга шукрона айтишимиз, ҳаётдан рози бўлиб, эзгу инсоний қадриятларни ўғил-қизларимизга етказишимиз, уларнинг биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун интилишимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишимиз зарур.

Қадрли ватандошларим!

Ушбу қутлуғ санага бағишлаб барпо этилган мана шу кўркам ва бетакрор ёдгорлик мажмуи Хоразм элининг, бутун халқимизнинг "Авесто" сингари бетимсол тарихий обидаларни яратган буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам боғ ва ёдгорлик мажмуини барпо этган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, муҳандису меъморларга, бу хайрли ишда сидқидилдан иштирок этган барча инсонларга самимий раҳмат айтаман.

Халқимизнинг жаҳон цивилизацияси, дунё илму фани ва маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини доимо эътироф этиб келаётган, бугунги байрамни халқаро миқёсда ўтказишга қарор қилган ЮНЕСКО ташкилотига, авестошунос олимларга, ушбу тантананинг барча иштирокчиларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик изҳор этаман.

Ва яна бир бор, мана шу майдонда тўпланиб турган сиз азизлар орқали барчамизни вояга етказган, барчамизга куч-қувват бераётган халқимизга чин қалбимдан таъзим қилмоқчиман.

*Муносабат*

# МЕҲНАТ — ҲАЛОЛЛИК КУРАШИ

**Ниҳоят, дунё бугун террорчиликнинг инсоният учун улкан хатар эканлигини англаб етди. Ва унга қарши курашга отланди. Ақл, тафаккурини жаҳолатга қул қилмаган одам борки, урушдан безовта, бесаранжон бўлади. Айниқса, оналар, аёллар. Чунки уларнинг бурчи — яратиш. Йўқ қилиш эмас. Шу маънода айни пайтда қалқиб турган жаҳон ҳақида уларнинг ўз фикри, мулоҳазаси бор.**

Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шарофат Норбоева билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— Террорчилик балоси дунёни ярадор қилди. Жароҳатидан қон силқиб турибди дунёнинг. Шунинг учун сурхон аёллари террорчиларга қарши бошланган курашга хайрихоҳлик билан қарайдилар. Кураш — бу уруш эмас. Курашда ҳалоллик ва адолат туйғулари устуворлик қилади. Аёлларимиз хайрихоҳлигининг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Биз ўтган йили Сариосиё ва Узун туманларида содир бўлган воқеаларда кўп безовта бўлдик. Фарзанди аржумандларимиздан айрилдик. Эгнимиздаги аза кийимларини яхши ниятлар билан ечган бўлсак ҳам, қалбимиздаги жудолик жароҳати ҳали битмади. Аммо бизнинг аёллар ақл билан иш тутадиган тадбирли бекалар. Улар ўз ҳис-туйғуларини изҳор қилиш учун аллақайси халқларга ўхшаб намойиш қилиб кўчаларга чиқаётгани йўқ. Ҳаммаси қаттиқ меҳнат билан машғул. Вилоят аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилувчи опа-сингилларимизнинг беш мингдан зиёди тадбиркорлик билан банд. Уларнинг аксарияти қадим сурхон аёлларининг дўппидўзлик, гиламдўзлик, каштачилик каби ўзига хос касб-корларини тиклаб, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари, янгича интилишлар яратиш иштиёқида.

Ҳозир куз. Ғалвир сувдан кўтариладиган палла. Қурғоқчилик ва бошқа табиат синовларига бардош бериб, тупроқда зар ундирган деҳқон «Ҳар тола чигит юртимиз, халқимизга ризқ бўлсин. Тўйлар қилайлик, орзу-ҳавас кўрайлик», дейди. Ҳеч кимнинг лабидан пахтамиз урушга ўқ-дори бўлсин, деган тилак учмайди.

Дарвоқе, тўй...

Биз шу кунларда улуғ бобомиз — руҳи ҳам, исми ҳам юртимизга файзу салобат бахш этиб турган Термизий бобомизнинг 2500 йиллик таваллуд санасини нишонлашга ихлосу меҳр билан тайёргарлик кўряпмиз. Яхши кун шарафига хиёбонлар, музейлар, амфитеатр бунёд қиляпмиз. Бир қулоғимиз қўшниларимизда, Афғон тарафларда. Чунки ўзини билган эл-улус қўшнисига фалокат келса, «менга нима», уйимда, ўйимда тўй-ку» дея олмайди. Қўшнисига жони ачишади. Қани эди, бизга-да боболар хоки туфайли азиз бўлган бу юртда террорчилик балоси барҳам топса, тезроқ тинчлик ўрнатилса, оналар кўзларида осудалик нури порласа, болакайлар озод қушлардай ўз ҳовли-кўчаларида ўйнаб юришса.

Иншооллоҳ, шундай бўлади. Президентимизнинг, халқимизнинг азму қарори шу! Сарҳадларимизда лочиндай сергак, бургутдай тетик турган ўғлонларимизнинг аҳди шу!

Меҳнатни аъмол билган сабр-бардошли оналаримизнинг истаги — шу!

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА ёзиб олди.**



# «ЎТМИШИНИ АРДОҚЛАГАН ХАЛҚНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ИККИНЧИ МАНЗАРА

Мамлакатимиз раҳбари бундан қарийб икки йил бурун, яъни 1999 йилнинг 24 декабрида Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда: «Мен бугун сиз — азиз юртдошларимга яна бир хушхабарни маълум қилмоқчиман. Яқинда ЮНЕСКО 30-сессиясининг бош конференцияси қадимий маданиятимизнинг буюк ёдгорлиги бўлган «Авесто»нинг 2700 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш ҳақидаги бизнинг таклифимизни қўллаб-қувватлади. Насиб этса, бу қутлуғ санани бутун мамлакатимизда, шу жумладан Хоразм заминида ҳам сизлар билан биргаликда тантанали нишонлаймиз», деб айтгандилар. Ўшанда «Авесто»да бот-бот такрорланганидай эзгу ўй қилинган, эзгу сўз айтилган эди. Бугун ана шу эзгу ўй, эзгу сўз эзгу амалга айланди. Демак, не эзгу ният қилинса, албатта, у амалга ошгусидир. Шу куни, дарҳақиқат, Хоразмда кун очиқ бўлди. Бир неча кунги ёмғир ва булутли кун тарқаб, осмонда қуёш чарақлади. Шу куни бутун Хоразм, бутун Ўзбекистон эзгу сўз айтди, эзгу иш қилди. Бундан 30 аср аввал шу тупроқ, шу заминда яшаган аждодларимизнинг руҳи уйғонди бу кун. Юзимиз янада ёруғ бўлди. Ёруғлиги шунданки, биз эмасмидик, ахир, кечагина атиги бир неча фоизигина саводли, деб айтилган ва ўқитилган халқ. Биз эмасмидик, узоқ йиллар қолоқ ва маданиятсиз, деб аталган халқ. Истиқлол шарофатидан руҳимиз тозармоқда, юксалмоқда. Бугун жаҳон халқлари бизнинг аждодларимиз умуминсоний маданият бешигини тебратганлардан эканлигини танимоқда ва тан олмоқда. Ва бизнинг ўзимиз ҳам кимларнинг авлодлари эканимизни тобора теранроқ англамоқдамиз ва ҳис қилмоқдамиз. «Авесто» бизнинг ўлчовларимизни, қаричларимизни янада кенгайтирди. У буюк аждодларимиз маданиятининг меваси ва маҳсулидир. У кам эмас, кўп эмас, 2700 йилдан-да наридан сўзлаяпти. У «дунё маданиятининг дурдонаси» ва ушбу заминда ўша даврларда ҳам «буюк давлат ва буюк маданият» бўлганлигидан дарак бериб турибди. У бизни бугун дунёдаги энг қадимий давлатлар билан тенглаштирди...

## УЧИНЧИ МАНЗАРА

Шу куни хоразмликлар яна бир бор енгил нафас олишди. Уларнинг қувончлари мамлакат раҳбарига, Юртбошимизнинг миннатдорчилиги уларга кўчди. Мамлакат раҳбари уларнинг ҳузурида ниҳоятда самимий гапирди. «Мен учун Хоразм пахта топшириш режасини бажарган...» деган гапдан сўнг ҳар бир хоразмликнинг чеҳрасидаги қувончга яна бир қувонч қўшилганини кўрдик, ҳижолатпазликлари чекингандай бўлди. Уларда бир тетикликни, бардамликни ва бирликни кўрдик. Қатъийликни сездик. Томошаларда ҳам кўҳна, ҳам янги Хоразмнинг руҳи уфуриб турди. Ҳеч кузатганмисиз, ҳар вилоятнинг ўзига хос бир жиҳати бор. Уни ўша белгисидан дарров таниб оласиз. Водийга хос аскияни ким эшитмайди дейсиз. Бухоро ва Самарқандча қўшиқ ва рақсларни-чи? Хоразм «Лазги»сига ўйинга тушиб кетганингизни ҳам билмай қоласиз. Бу ҳам халқимизнинг қадим ва буюк маданиятидан, аждодларимиздан қолган буюк меросдан даракдир. Шу кунги катта томошада уч давр акс этди: **ўтмиш, бугун ва келажак.** Аслида «Авесто»ни эслаш ва ёд олишдан ҳам мурод шу эди. Шу уч ҳалқани яқинлаштириш ва бирлаштириш эди. Бундай пайтда макон ва замон ёвуқлашади — сарҳадсиз кенгликлар оша маънавий кўприклар қад ростлайди. Шу куни Хоразмда чошгоҳгача базми-жамшид бўлди. Туманларнинг ҳар бири ўзига қўналға қурди. Хоразмча таомлар тортилди. Кексалар шундай кунларга етказганига шукрона айтишди. Тинчлик, омонлик тилашди. Юртимизнинг боши илоҳим ана шундай тўй ва тантаналардан чиқмасин, деб дуолар қилишди. Байрам байрамга ўхшади. Ўтмиши бой, бугуни хотиржам, осойишта ва фаровон мамлакатнинг, миллатнинг эртаси ҳам ёруғ бўлади. Бундай байрам мустаҳкам, илдизларига таянган, эртанги кунига ишонган мамлакат халқигагина ярашади. Биз шунинг учун ҳам тинчликни «Авесто»да мадҳ этилганидай улуғ неъмат деймиз...

## ТЎРТИНЧИ МАНЗАРА

«Авесто» — бу бизнинг тарихимиз ва ўтмишимиз. Ва у шунинг баробарида умумбашариятнинг ҳам мулкидир. У улкан тарихий ва адабий ёдгорликдир. У бизга биз «куни кеча пайдо бўлган халқ эмаслигимиз»ни эслатиб туради. Бу «Авесто» замонида ҳам бизда «буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият» бўлганидан даракдир. Ва уни ўқиган ҳар қандай одам ана шундай иқрорга келиши ва инкор этолмаслиги аниқ. Айтишларича, «Авесто»нинг бизгача тўртдан бир қисмигина етиб келган. Қолган қисми 8 миллион калимадан иборат. «Авесто» гарчи аллақачон инглиз, немис, француз ва рус тилларига таржима қилинган, унга қатор шарҳлар битилган бўлса-да, лекин мустақилликка эришмагунимизгача ўзбекчасининг тўлиқ ва мукаммал нашри бўлмаган. Тўй арафасида «Шарқ» нашриёти таниқли шоир Асқар Маҳкам таржимасида унинг мукаммал нашрини илк бор босмадан чиқарди. Таржимоннинг айтишича, ушбу китобда шу кунгача «Авесто»дан нима қолган бўлса, ҳаммаси жамулжам этилган. У — Истиқлолнинг шарофатидир. «Авесто»нинг она тилимизга тўлиқ ўгирилиши унинг яна ўзига — Ватанига қайтганидир...

## БЕШИНЧИ МАНЗАРА

Бир мамлакат ёки унга дахлдор бўлган воқеалар хусусида бошқа мамлакат фуқаросининг фикр ва мулоҳазалари ҳам холис, ҳам қизиқарли бўлган. Ватикан қадимий Рим ва Юнонистон билан ёнма-ён ўлароқ олис тарихга эга. Ана шу давлат элчихонасининг аташеси Кукулка Кшиштоф менга шундай деди:

— «Авесто»ни илк бор рус тилида ўқиганман. Тўлиқ бўлмаса-да маълумотга эгаман. Ҳукуматингизнинг тарихий ва миллий қадриятларга бўлган ўзгача муносабати ҳавасимни уйғотади. Тарихни тиклаш — ўзликни англаш демакдир. Қолаверса, Ўзбекистонда турли таълимотлар ва қарашларга нисбатан ўзига хос бағрикенглик бор. Буни шахсан мен ҳар қадамда ҳис қиламан. Ўзбекистонни ана шу жиҳатдан ҳам дунёвий, ҳам демократик давлат, дейиш мумкин. Сизнинг заминингиз ҳам ниҳоятда қадимий ва бой маданиятга эга бўлганини «Авесто»да яққол кўриш мумкин. Ўзбекистон турли маданиятлар учрашган ва учрашадиган макондир. Мен «Авесто»га бўлган бугунги муносабатни кўриб, бениҳоя севиндим.

— «Авесто» — бу яхлит таълимот, фалсафа, — деди Латвиядаги «Республика» газетаси вакили Николай Волков. — Унда эзгулик ёвузлик билан курашади. Эзгу ўй қабиҳ андиша, эзгу сўз қабиҳ сўз, эзгу амал қабиҳ амалга қарши қўйилади. Эзгулик алал оқибат ёвузликни енгади. «Авесто» менга ана шу томони билан ниҳоятда қадрлидир. Мен яна бир нарсани гапиришни истар эдим. Ўзбекистонда қадриятларни, ўтмишни тиклаш билан боғлиқ жуда катта ишлар қилинмоқда. Аввалги йилларни қўя турайлик, ўтган йилнинг ўзида бирданига иккита буюк алломанинг руҳлари шод қилинди. Бу йил ҳам иккита — «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланди ва нишонланиш арафасида турибди. Ана шу саналарнинг ўзиёқ бугунги Ўзбекистон нақадар катта тарих ва маданиятга эга эканидан дарак эмасми? Қаердадир ўқиганман, сизларда ўтмишини ардоқлаган халқнинг келажаги буюк бўлади деган гап бор. Ва бу том маънодаги ҳақ гапдир, деди Николай.

Мен унга мамлакатимиз раҳбарининг сўзидан олинган газетамиз шиорини эслатдим: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат». Ва яна у киши «Ўтмишсиз келажак йўқ», деганлар деб айтдим. У эса яна ўзи яхши кўрадиган сўзни такрорлади: эзгу ўйли, эзгу сўзли одамларнинг, халқлар ва миллатларнинг ишлари ҳам шундайин эзгу бўлади.

**Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Тошкент-Урганч-Тошкент. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**



## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Кеча АҚШ ҳарбийлари Афғонистондаги террор ўчоқларига қарши олиб бораётган амалиётларининг бешинчи ҳафтасини бошлашди. Маълумотларга қараганда, улар бомбардимонлар уюштириш баробарида Афғонистондаги Шимолий альянс назоратида бўлган ҳудудларда ўз ҳарбийлари сонини кўпайтиришган. Пентагон вакилларининг айтишича, энди Афғонистон ҳудудида толиблар назорат ўрнатолмайди.**

**● Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар бўйлаб сафарга чиққан Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд кеча Деҳлида Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес билан учрашди. Унда Пентагоннинг юқори мартабали намояндаси АҚШнинг Афғонистондаги террор объектларига қарши олиб бораётган амалиётлари бир йилга ҳам чўзилмаслиги мумкин, дея таъкидлади. Д.Рамсфелднинг фикрича, ҳозирда ҳарбий ҳаракатлар режадагидан ҳам яхши натижа бермоқда.**



**● «Associated Press» агентлигининг хабар беришича, кеча Нью-Йорк мэри Рудольф Жулиани номига куйдирги касаллигини қўзғатадиган бактериялар кукини солинган мактуб юборилган. Шаҳар мэри бундан ҳеч қандай фожеа ясамаслик кераклигини алоҳида таъкидлаган. CNN телекомпанияси тарқатган хабарларга қараганда, ушбу офат сабаб шу йилнинг 26 октябридан буён ёпилган АҚШ сенати биноси кеча яна ўз эшикларини очган.**

**● Кеча Италия ҳукумати минг нафардан иборат кўнгилли ҳарбийлар Афғонистондаги террор тўдаларига қарши қуруқликда олиб борилажак амалиётларда иштирок этишини маълум қилди. ИТАР—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, минг нафарлик гуруҳ ичида 12 нафар италиялик ҳарбий аёл ҳам бор. Ушбу хабарда айтилишича, ҳозирда Италия Қуролли кучлари сафида 700 нафар аёл хизмат қилади. Энг эътиборлиси, уларнинг барчаси Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий амалиётларда қатнашиш истагини билдирган.**



**● Россия Абхазиядаги ҳарбий базаларини бутунлай ёпди. Кремлда ўтказилган йиғилишда президент Владимир Путин ҳукумат аъзоларига шуни маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ҳозирча Абхазияда Россиянинг фақат тинчликни сақлаш кучлари хизмат қилмоқда.**

**● «Интерфакс» ахборот агентлиги хабарларига қараганда, кеча Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе мамлакат телевидениеси орқали халққа мурожаат қилган. Президент ҳозир ҳукуматда фақатгина ўзи фаолият кўрсатиб, мамлакатни ҳам ёлғиз ўзи бошқараётганини айтган. Э.Шеварднадзе фикрича, ҳозир Грузия Вазирлар Маҳкамаси таркибини қайта тузиш энг муҳим масала. Шу билан бирга тажрибали сиёсатчи бугунги вазият мамлакатни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий силкинишларга олиб келмайди, дея таъкидлаган. Халқаро ҳамжамият эса Э.Шеварднадзе Грузияни ана шундай мураккаб ва қалтис шароитдан бемалол олиб чиқишига ишонч билдирмоқда.**

**● Исроил қўшинлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Калкилия шаҳрини тўлиқ тарк этди. Исроил радиосининг хабар беришича, агар барқарорлик сақланиб турса, исроиллик ҳарбийлар бир ҳафта ичида Тулкарм, Женин ва Рамаллоҳ шаҳарларидан бутунлай олиб чиқилади.**

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Конституцияни ўрганамиз

# ЎҚУВЧИНИНГ БИЙРОН-БИЙРОН СЎЗЛАРИ



Мактаб ҳовлисидаги ўқувчилар суҳбати эътиборимни тортди.

— Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб ёзиб қўйилибди. Яна шу моддада мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши ҳам айтилган.

Қатъият ва ишонч билан сўзлаётган бу ўқувчи 6-синфда ўқиркан.

— Айт-чи, Конституция ҳақидаги фикрларни қаердан ўргангансан? — сўрайман ундан.

— Она тили китобимизда ёзиб қўйилибди. Ўқитувчимиз шу моддани бизга алоҳида тушунтирган.

— Конституция ҳақида яна ниманларни биласан?

— Уйимизда «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» китоби бор. У олтита бўлим, 26 та боб ва 128 та моддадан иборат. Ҳали уларнинг ҳаммасини тўлиқ ўрганиб олганим йўқ. Ҳаракат қилсам, ҳаммаси ёдимда қолса керак. Фақат мен эмас, мана бу жўраларим ҳам Конституциямизни ўрганишга қизиқишади.

Самарқанд вилоятидаги кўпчилик мактабларнинг аксарий ўқувчилари бугун бахтимиз Қомуси ҳақида бийрон-бийрон сўзлайди. Сабаби бугун бошқа соҳалардаги каби Конституция тарғиботи бўйича оила-боғча-мактаб-маҳалла ҳамкор. Вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, барча ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, ҳамма-ҳаммасида Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг ижроси бўйича тадбирлар белгиланган.

Вилоят адлия бошқармасининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини ўтказиб келаётгани ёшлар ҳуқуқий онгининг ўсишида, ҳуқуқий маданиятининг ошишида сезиларли туртки бўляпти. Айнан шу соҳада самарқандлик ўқувчиларнинг республикада ўз ўринлари бор.

— Жойларда мунтазам равишда минтақавий ўқув машғулотлари, илмий-амалий анжуманлар, семинар-кенгашлар ўтказиб келяпмиз. Бундан асосий мақсад Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг амалда бажарилишига қаратиляпти, — дейди вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Қўчқор Тоғаев. — Жумладан, кўплаб туманларда, олий ўқув юртларида ташкил этилган шундай тадбирлар «Конституция ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни», «Конституция ва виждон эркинлиги кафолатлари» мавзусига бағишланди. Бу каби тадбирларни тайёрлашда «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгаши ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими билан доимий ҳамкорлик қиляпмиз.

Ҳа, Конституцияни ўрганиш борасида вилоятда жиддий ҳаракатлар бор. Фақат бу ҳаракатлар бўшаштирилмаса, мавсумий тадбирга айланиб қолмаса бўлгани. Негаки, ҳуқуқий давлат барпо этилиши фуқароларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг ҳуқуқий билим савиясига, ҳуқуқий маданиятига ҳар жиҳатдан боғлиқ.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муносабат

# ДУНЁ АНДОЗАЛАРИДАН АФЗАЛ

Мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ ҳужжатларни дунёдаги баъзи мамлакатларда олиб борилган жараёнлар билан қиёсий ўрганиб, шундай хулосага келдим: ҳали бирор бир мамлакатда жиноий жараёнларга баҳо берилаётганда террорчи гуруҳлар сафига адашиб кириб қолган, алданган, қўрқитиш орқали қўлига қурол олиб, киндик қони тўкилган юртга таҳдид қилганларга нисбатан қонунларда либераллаштириш йўли тутилмаган экан.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, уларни либераллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўласича жаҳон андозаларига мос келади, баъзи жиҳатлари улардан афзал ҳам. Шу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш туфайли террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, қўли қонга ботмаган ёшларга Ватанга, ота-она бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечириш учун катта имкониятлар яратилди.

Хусусан, яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармонни эслайлик.

Бу тарихий ҳужжатнинг инсонпарварлик аҳамияти, руҳи ҳақида кўп бора гапирилди. Биргина Фарғона вилоятининг ўзида шундай гуруҳларга аралашиб қолган 7 нафар шахс пушаймон бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилишган. Шундан учтаси расман қидирувда бўлганига қарамай уларга қўлланилган қамоққа олиш чораси дарҳол ўзгартирилди, жиноий ишлар қисми ҳаракатдан тўхтатилди. Бундай адолат, одиллик, инсонпарварлик қайси жамиятда, тузумда бор. Ахир бу йўлда учраган «дайди шамол» таъсирида эгилиб қолган навниҳол ўсмирлар, ёш йигитларнинг қаддини тиклаш қонунларни либераллаштиришнинг самараси эмасми?!

**Миродил ФОЗИЛОВ,**
**Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

## Навоийда ўт ўчириш автомашиналари ишлаб чиқарила бошланди

Диққат, янгилик



Мустақиллик йилларида Навоий кон-металлургия комбинати ҳаётида юз кўрсатган янгилик ва ўзгаришларни санаб адоғига етиш қийин. Айниқса, ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, қувватлар самарадорлигини ошириш юзасидан муҳим изланишлар олиб борилаётганлиги эътиборга моликдир. Қисқа муддат ичида комбинат таркибида бир неча янги корхоналар фойдаланишга топширилди, замонавий андозадаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди, истиқболли техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган «Навоийёнғинмашина» Ўзбекистон-Украина қўшма корхонаси ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий самараси, десак асло хато қилмаймиз.

Комбинатга қарашли машинасозлик заводида тайёрланаётган асбоб-ускуналар кўпчиликка яхши маълум эмас. Бу ерда олтинсозлик саноати учун мўлжалланган барча турдаги механизмлардан ташқари кўплаб халқ истеъмоли буюмлари ҳам ишлаб чиқарилаяпти. Хусусан, украиналик саноатчилар билан биргаликда ўт ўчириш техникаларини маҳаллий шароитда тайёрлаш технологияси ўзлаштирилдики, бу таҳсинга лойиқ ишдир. Икки йил муқаддам ташкил этилган қўшма корхона республикамизнинг ушбу соҳадаги эҳтиёжларини тўла қондиришга ҳаракат қилмоқда.

Прилукс шаҳридаги «Ёнғинмашина » автомобилсозлик заводига 70 йил муқаддам асос солинган. Бу ерда тайёрланаётган ёнғинга қарши кураш воситаларига ҳозирда ҳам талаб катта. Айнан мазкур корхона навоийликларни ҳамкорликка чорлагани бежиз эмас. Ўзаро келишув учун барча асослар бор. Булар ўзбек ва украин халқларининг қадим биродарлиги, замонавий корхоналарнинг қудратли ишлаб чиқариш потенциали, энг муҳими, икки ўртадаги ўзаро ишонч туйғусининг барқарорлигидир.

— Дастлаб Украинадан 2 та машина учун бутлаш қисмларини олиб келгандик, — эслайди қўшма корхона директори Владимир Гуцал. — Уларни йиғиш, бўяш, синовдан ўтказиш, қисқаси, фойдаланишга тайёрлаш учун атиги ўн кун кифоя қилди. Мутахассисларимиз украин ҳамкорларидан асло қолишмасликларини амалда исботлашди. Қўшма корхонамизда йилига 100 та автомашина ишлаб чиқариш, 50 тасини қайта таъмирлаш имконияти бор. Омборларда 2 мингта техникага етарли эҳтиёт қисмлар захираси мавжуд. Яқин орада ўт ўчириш жараёни ва унинг олдини олишда қўлланиладиган воситалар ҳамда асбоб-ускуналарни тайёрлашга киришамиз.

Буюртмачилар сони тобора кўпайиб бораяпти. Яқинда 11 та машина «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан сотиб олинди, бир нечтасини капитал таъмирлаб, буюртмачиларга жўнатдик. Фақат шугина эмас. Вилоятимиздаги мавжуд ўт ўчириш идораларига тегишли техникалар ва асбоб-ускуналарни ҳам ўз вақтида созлаб бераяпмиз. Янги йилдан бошлаб қўшни республикалардан эски техникаларни капитал таъмирлаш бўйича буюртмалар қабул қилмоқчимиз.

Корхонада яратилаётган автомашина ва ўт ўчириш техникаларининг баҳоси кўпчиликни қизиқтирса керак, албатта. АК — 40 (131) ва 137 «А» типидаги машинани бутлаш учун ўрта ҳисобда 16, 5-17, 5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланаяпти. Барча жиҳозлари билан қўшиб ҳисоблаганда буюртмачи уни 22,5 минг долларга харид қилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз машинасозлиги тизимида яна бир хайрли иш рўёбга чиқди. Истиқлол шарофати ила бўй кўрсатган қўшма корхонанинг келажаги порлоқ. Яқинда Тошкент шаҳрида унинг филиали иш бошлади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ёркул УМАРОВ,**
**журналист.**

Ардоқ

**Андижон туманидаги Ёрбоши қишлоғида реабилитацион жамоатчилик марказининг очилиши ногирон болаларнинг ўксик қалбига малҳам бўлди. Энди улар бу ерда меҳрибон мураббийлар кўмагида турли-туман машғулотлар, спорт ўйинлари билан шуғулланиб, жисмонан чиниқадилар.**

# МЕҲРНИНГ ЎЛЧОВИ БЎЛМАС

**Қишлоқдаги ўрта мактаб биноси кўнгилдагидек таъмирланиб, даволаш марказига айлантирилгач, «Коумтерпарт Комцорциум» халқаро ташкилоти сиҳатгоҳни махсус аравачалар, спорт анжомлари, тиббий асбоб-ускуналар, ҳатто ўйинчоқлар билан таъминлаш учун маблағ ажратди.**

**— Меҳрнинг ўлчови бўлмас, — дейди «Умр» республика реабилитацион жамоатчилик маркази Андижон бўлимида узоқ йиллар акушер-гинеколог бўлиб ишлаган ва эндиликда нафақага чиқиб, шу сиҳатгоҳга раҳбарлик қилаётган Маъмурахон ҳожи ая Бозорбоева. — Марказнинг очилиши «Оналар ва болалар йили»да ногиронлар учун чинакам совға бўлди. Кўнгли ярим норасидалар энди меҳр офтобидан баҳра олиб бағри кенг, мурувватли инсонлар ардоғида униб-ўсадилар.**

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Газетада босилмади, аммо...

**Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти Музработ тумани «Қўнғирот» фермер хўжаликлари уюшмасида истиқомат қилувчи У. Жияновдан шикоят хати келди.**

# МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Муаллиф уюшма марказида сувнинг танқислиги, ахлатларнинг ўз вақтида олинмаётганлиги, ёшлар дам олиши учун шароитнинг етарли эмаслиги, қариялар ошхонаси ҳамда ҳаммом йўқлиги ҳақида ёзганди. Хат таҳририят томонидан текшириш учун тегишли ташкилотга жўнатилди. Яқинда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Р. Нуралиев имзоси билан жавоб мактуби келди.



Унда, жумладан, шундай дейилади:

*«Шикоят хатини вилоят ҳокимлиги қошида тузилган комиссия иштирокида ўрганиш жараёнида қуйидагилар маълум бўлди. Музработ тумани аҳолисини «Янгиобод» бошқармаси сув билан таъминлайди. Хусусан, «Қўнғирот» фермер хўжаликлари уюшмаси марказига ҳам сув етказиб беради. Ҳақиқатан, қувурлар таъмирланаётганда, электр энергиясида узилишлар бўлган пайтларда сув такчиллигига йўл қўйилган. Ҳозирги кунда бу ерга оқар суви лимити ажратилиб, маҳалла томонидан мироб тайинланди. Сув аҳолига навбат билан бериб борилмоқда. Техникалар етишмаслиги боис чиқиндиларни тозалаб туришда ҳам узилишлар бўлган.*

*Ҳаммом хусусийлаштирилган бўлиб, иқтисодий қийинчиликлар боис ишламасдан турибди.*

*Бу каби муаммоларни бартараф этиш уюшма раҳбарияти ҳамда маҳалла раислари зиммасига юклатилди. Шунингдек, уюшма ҳудудида янги боғ ва клублар қуриш Музработ тумани ҳокимлигининг иш дастурига киритилган».*

# МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ДАЛАЛАРИДА



*Аслида Марказий Фарғона даштларида деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Сув танқислиги, ернинг деҳқончилик қилиш учун ноқулайлиги шулар жумласидан.*

*— Истаган имкон топади, — дейди Ёзёвон туманидаги Зикриё Ғаниев номли хўжалик раҳбари Муҳаммаджон Мамажонов. — Ҳамма гап ирригация-мелиорация ишларини тўғри йўлга қўйишда.*

*Дарҳақиқат, хўжаликда айнан шу тадбир яхши йўлга қўйилган. Ариқ-зовурларни тозалаш, янгиларини барпо этиш келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин бўлиши шубҳасиз.*

*СУРАТДА: хўжалик раҳбари Муҳаммаджон Мамажонов ва Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш бошқармаси экскаваторчиси Фарҳод Зиёев.*

***Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.***

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилди.**

# Электрон тизимга ўтиш

**— Олий ўқув юртлари компьютерлашиб бораётган бир пайтда ушбу бошқарма жуда зарур, — деди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Абдушукур Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бугун талабага масофавий ўқитиш тизими, замонавий электрон кутубхоналар керак. Бошқармамиз худди шу масалалар ечими билан шуғулланади.**

**Демак, ҳадемай талабалар мультимедиалар ёрдамида ҳам тасвир, ҳам товуш орқали турли маълумотларга эга бўлади. Талабаларни ўқитиш учун чет эллардан тажрибали ўқитувчини катта маблағ эвазига чақирмасдан, бу масалани илмгоҳнинг ўзида компьютер орқали ҳал этиш мумкин бўлади.**

**— Кутубхоналар электронлашса, китобларни лотин графикасига ўтказиш муаммоси ҳам ҳал бўлади, — деди сўзининг якунида А.Абдуллаев.**





ТС-ТЕХНОЛОГИЯ
КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони,
"Пойтахт" Бизнес мажмуи,
Ғарбий томон, 2-йўлак,
Офис 29,30
Тел.: 137-72-91, факс: 137-72-92.
Самарқанд шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 222.
Тел.: (3662) 22-09-54, 22-24-75.
E-mail: tstech@tstech.uz

TS TECHNOLOGY

Оқилона баҳодаги катта имкониятлар



БАРЧА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
Rahnamo
КОМПАНИЯСИ

МДҲ ва Европа давлатларидан халқ истеъмоли моллари, дори-дармонлар ва ускуналарни тўғридан-тўғри етказиб беради:

. бутун дунёдан сут маҳсулотлари (сариёғ, қуйилтирилган сут, сут кукуни, маргарин);
. истеъмол мойлари (маккажўхори, кунгабоқар, зайтун, пальма);
. шакар;
. буғдой уни, гречиха, гуруч ва бошқалар;
. озиқ-овқат қўшимчалари, ранг берувчилар, хушбўйлантирувчилар;
. озиқ-овқат, каустик, кальцийлаштирилган сода (Россия);
. Россиядан қоғоз маҳсулотлари (газета, офсет ва гулқоғозлар);
. Россиядан металлопрокат (цинкланган лист, профнастил, қувур, швеллерлар);
. Россиядан турли ўлчам ва русумдаги флоат-ойналар;
. барча турдаги қурилиш моллари;
. хомашё ва материаллар (ПВХ, ПВД);
. озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар.

Шунингдек, МДҲ давлатлари ва Европадан сизни қизиқтирган маҳсулотларни тўғридан-тўғри улгуржи тарзда етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Маҳсулотлар миллий валюта — сўмда ёки АҚШ долларида CIF Тошкент шартларида етказиб берилади.

*Тошкент шаҳар, «Буюк ипак йўли» кўчасидаги электрон таблога маълумотларингизни ва рекламангизни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатади.*

Барча буюртмаларингизни ўзаро манфаатли шартларда бажариш кафолати.

Телефонлар: 136-70-35, 136-79-09, 136-78-74.
Факс 136-24-65.
E-mail: rahnamo@online.ru

**Ифтихор**

# МЕН – ЎЗБЕКИСТОНЛИКМАН

**Яқинда Амир Темур хиёбонига йўлим тушиб қолди. Шу баҳона хиёбонда ўтириб бир оз дам олдим, соҳибқирон руҳига дуои фотиҳа қилдим. Кейин атрофга разм солдим: одамлар оқими бир зум бўлса-да тинмайди. Ҳамма ўз хаёли, иши билан банд. Шунга қарамасдан бу ердан ўтиб кетаётган йўловчи борки, Амир Темур ҳайкали қаршисида тўхтаб, юзига фотиҳа тортади. Ана, ёшгина қиз билан йигит яшнаб турган бир даста атиргулни ҳайкал пойига авайлаб қўйди. Назаримда, қиз Бибихонимга жуда ҳам ўхшаб кетарди.**

— Биродар, сиз тошкентликмисиз?

Тўсатдан ёнгинамдан эшитилган ушбу савол эгаси Андижондан келган экан. Ёши етмишларда. Шаҳардаги университетлардан бирида ўқийдиган невараси ҳам ёнида.

— Бир эмас, уч нафар неварам шу ерда ўқийди, — дея гап бошлади салом-алик ва ўзаро танишувдан сўнг андижонлик Ҳабиб ота. — Шаҳарни телевизорда кўрардим-у, ўз кўзим билан биринчи бор кўришим. Вақтики келиб, Тошкентга бориб қолсам, албатта, Амир Темур ҳайкалини зиёрат қиламан — деб кўнглимга тугиб қўйгандим. Бугун мақсадимга етдим. Соҳибқирон юзидаги мардлик ва шижоатни қаранг. Кўзлари ўктам ва дадил. Айтмоқчи, темурийлар тарихи давлат музейига ҳам кириб чиқдим. Невараларим қўярда-қўймай Миллий театрга



олиб боришди. Куёв бўлган ёшлик пайтингизни эслайсиз, дейишди жилмайишиб. «Чимилдиқ» қўйилаётган экан. Томоша ҳам бир бўлди-ю, шу десангиз, театрнинг ичи ва ташини кўриб, безакларидан оғзим ланг очилиб қолди. Умуман, шаҳар гўзаллашиб кетибди: ҳар қадамда қурилиш-а.

Ҳабиб ота самимий сўзларди. Шунданми, унинг қувончи менга ҳам ўта бошлади. Тўғри-да, дунёнинг қай бурчагида одамлар эшак аравалардан фойдаланиб юрган бир пайтда Ўзбекистонда жаҳон меъморчилигининг энг замонавий ютуқлари қўлланилмоқда. Атиги ўн йил ичида кўчаларимизда «Нексия», «Тико», «Дамас»лар ғизиллай бошлади, осмонўпар биноларга қараган одамнинг кўзи тиниб кетади.

Бугунги кунда шаҳарнинг кўркига айланиб бораётган Навоий номли кўчанинг Хадра ва Марказий телеграф бекатлари оралиғида бир пайтлар кичик-кичик дўконлар бўларди. Унинг ёнидаги кўримсиз жойларга йирик паннолар ўрнатиб қўйилганди. Бугун эса манзара бутунлай бошқача: кичик дўконлар ўрнини чиройли ва кўркам, замонавий услубда қурилган савдо шохобчалари эгаллаган. Уларда истаган нарсангиз муҳайё. Ёки яна бир мисол: катта-катта қурилишлардан ташқари, обод бўлмаган бирон-бир транспорт бекатининг ўзи қолмади, десак муболаға бўлмайди. Қурилиш ва ободонлаштириш кўламлари нафақат Тошкентда, балки республикамизнинг барча вилоятларида ҳам кенгаймоқда. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофати-ю Юртбошимиз ташаббусидандир. Самарқанднинг Челак туманида қурилган имом ал-Бухорий мақбара мажмуи бугун хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда. Куни кеча телевизорда Урганч шаҳрида барпо этилган «Авесто боғи»ни кўриб, кўзларимга ёш келди. Қувонмай бўладими, ахир?! Биз ўтмиши буюк халқмиз, келажагимиз ҳам албатта буюк бўлади. Аждодлар руҳи бизга ёр бўлиб, қўллаб-қувватлайверади.

— Ҳа, мен тошкентликман, ўзбекистонликман, — дедим Ҳабиб ота билан хайрлашаётиб. Ва яна бир нарсага амин бўлдимки, Президентимиз айтганларидек, биздан авлодларга обод ва озод Ватан қолади!

**Абдулҳамид ТЎХТАСИНОВ.**

**ҲИКМАТ**

*Юракдан чиқса сўзинг,*
*юракка тўғри тушгай,*
*Айтилса сидқидил сўз*
*бўлмайди таржимони.*

## «ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ» МУСИҚАЛАРИ

**Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасида халқ чолғу оркестрининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда халқ чолғу оркестри ўзининг «Ўн саккиз минг олам» деб номланган тақдимот концертини намойиш этди.**

**Қарийб қирқ нафар иқтидорли ёш созандаларни бирлаштирган ушбу жамоага таниқли бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мустафо Бафоев бадиий раҳбарлик ва дирижерлик қилмоқда. Оркестрнинг мусиқий репертуаридан нафақат мумтоз куйлар, балки ўзбек ва хорижий бастакорларнинг замонавий асарлари ҳам кенг ўрин олган.**

**Тақдимот концертида мусиқа ихлосмандлари жаҳоннинг йирик композиторлари асарларини ҳам мириқиб тингладилар.**

**М.ТОЖИЕВА.**



## ЗАРДЎЗ ОПА

Қаршида зардўзлик билан шуғулланадиган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири — Гулчеҳра Примқулова. Ишга ҳам, сўзга ҳам чечан бу опанинг маҳаллада ўз ўрни бор. У шаҳардаги «Қарлуғ Боғот» маҳалласининг етакчиси ҳамдир.

Гулчеҳра опа биринчилардан бўлиб зардўзлик ишини бошлаган эди. Эндиликда эса унинг шогирдлари жуда кўп. Ҳозир у 50 нафар қизга касбининг сиру асрорини ўргатмоқда. Зардўзликда яратган «Гулдўзи» — Қарши нусхасини опанинг тинмай изланиши самараси дейиш мумкин.

*СУРАТДА: зардўз Гулчеҳра Примқулова шогирдлари билан иш пайтида.*

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**


ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ
товар сертификацияланштирилган $-8049

**КАБЕЛЬ**
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП.)

**ЛАМПАЛАР**
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ).

**ЁРИТГИЧЛАР**
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.)

БУЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

Ўзбекистон, 700060, Тошкент ш., Нукус к., 29-«Д», «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 5-қават.

Тел./факс: (+99871) 1360154, 1331284, 120-09-09. 4898



**AL-RAMI**
АЛЮМИНИЕВЫЕ
ВИТРАЖНЫЕ СИСТЕМЫ,
ОКНА И ДВЕРИ,
КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ.
Изготовление по размерам заказчика.
Доставка и установка по городу Ташкенту -БЕСПЛАТНО.
Тел./Факс: 195-41-53,
сот.:187-44-65, 188-98-42.
FNV-17 ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН



**«Парвоз И» фирмаси**
қуйидагиларни

**СИФАТЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ:**
- ип толали хом газламаларни бўяйди;
- бўялган газламаларга сув ўтмайдиган «брезент» ёки оловда қийин ёнадиган «брезент» шаклида ишлов беради.

**СОТАДИ:**
- сув ўтмайдиган ип толали «брезент» маҳсулотлар;
- оловда қийин ёнадиган ип толали «брезент» маҳсулотлар;
- китоб муқовалари учун ишлатиладиган қотирилган техник дока.

**СОТИБ ОЛАДИ:**
- техник шам (парафин);
- стеарин.



Телефонлар: (3712) 78-54-14, 78-58-92. 4965


## ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

# «SIRDARYO ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI» ОАЖ

### I. ЭМИТЕНТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ.

1. ***Тўлиқ ва қисқа номланиши:***
   - тўлиқ «Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi» очиқ акциядорлик жамияти;
   - қисқа «Sirdaryo IES» ОАЖ.
2. ***Юридик манзили (бўлинмалар жойланиши):*** Ўзбекистон Республикаси, 708228, Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри.
3. ***Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси:*** Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар ҳокимининг 2001 йил 14 сентябрдаги 180-сонли қарори (Далолатнома реестр сони-004575, берилган сана 2001 йил 14 сентябрь).
4. ***Ташкилий-ҳуқуқий шакли:*** очиқ акциядорлик жамияти.
5. ***Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан рўйхатга олинган сана ва рақам:*** 2001 йил 26 сентябрь, №0343 Р.
6. ***Эмитент таркибий бўлинма бўлган бирлашманинг (ассоциация, концерн, корпорация ва ҳ.к.) тўлиқ номланиши ва юридик манзили:*** «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси,6-уй.
7. ***Эмитентнинг ҳисоб ва бошқа рақамлари, банкнинг номи ва маълумотлари:*** ҳ/р 20210000500201190001, Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Янгиер бўлими, банк коди 00909, СТИР 201169179.
8. ***Битта акциянинг номинал қиймати — 10000 сўм.***

### II. АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА СОТИШ ТАРТИБИ, МИҚДОРИ ВА МУДДАТИ.

| Сотиш усули | Муддати | | Акцияларнинг умумий нархи | |
|---|---|---|---|---|
| | Сотиш ва жойлаштиришнинг бошланиши | Сотиш ва жойлаштиришнинг охири | Суммаси, сўм | Акциялар умумий сонидан улуш, % |
| 1. Акциялар — жами | | | 13700650000 | 100 |
| 2. Корхона меҳнат жамоаси орасида жойлаштириладиган эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар | 6 ой мобайнида | | 137010000 | 1 |
| 3. Давлатга тегишли эгасининг номи ёзилган оддий акциялар | — | | 6987330000 | 51 |
| 4. Хорижий инвесторларнинг улуши, валюта қиймати белгиланганидан сўнг ДТК қарори билан сотиладиган эгасининг номи ёзилган оддий акциялар | 1 йил мобайнида | | 6576310000 | 48 |

4962


ALTAY
**ТЕХНИКА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ**

SAMSUNG TECHWIN



Адрес: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 42.
Тел. 133-87-98,
т/факс: 133-31-51, 130-84-63.
Лучшие цены!
4895







Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Акрам МЎМИНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Сурхондарё вилояти матбуот бошқармаси бошлиғи

**Холжигит ХОЛБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ўрмон хўжалиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мурод Мирпўлатовга опаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси жамоаси Ишлар бошқармасининг ходими Анвар Каримовга онаси

**Зарифа ая ҲАКИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбошархив» бошқармаси жамоаси бошқарманинг собиқ бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, шахсий пенсионер

**Алим МИРЗАБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.40*
1 2 3 4 5 6